

ЎЗБЕКИСТОН

ОҶОЗИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЙОСИЙ-ИЖТИМОИЙ ГАЗЕТАСИ

ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Вена. 12 декабрь. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Президент Ислам Каримов «АНА Гранд» меҳмонхонасида Австрия молия вазири К.Грассер билан учрашди. Сўхбат чоғида молия соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик, Австриянинг йирик банклари сармояларини Ўзбекистонга жалб этиш борасидаги масалалар муҳокама қилинди.

Ислам Каримов Австрия Федерал иқтисодий палатасига ташриф буюрди. Бу ерда унга Президент Томас Клестил ва палата президенти К.Ляйтл пешвоз чиқди. Давлатимиз раҳбари палатанинг фахрий меҳмонлар учун мўлжалланган олтин китобига ўз дастхатини ёзиб қолдири.

Мамлакатимиз раҳбари Австрия ишбилармонлар доирасининг нуфузли вакиллари билан учрашиб, уларни Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар жараёни, хорижий ишбилармонлар учун яратилган қулайликлар ва имтиёзлар билан таништирди. Учрашувда Австрия тадбиркорларининг Ўзбекистонга келиб-кетишини янада осонлаштириш, ўзбекистонлик ишбилармонлар билан кенг асосдаги шерикликни ривожлантиришга имконият яратиш билан боғлиқ масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Шу билан Ислам Каримовнинг Австрияга расмий ташрифи ниҳоясига етди.

■ (ЎзА)

Суратда: ташриф пайтидан лавҳа.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат



2001 YIL 13 DEKABR ♦ PAYSANBA ♦ № 148 (26.850)

ҚУРБОНЛАР

ХОТИРАСИ ЁД ЭТИЛДИ

АҚШда муҳим қўпуровчилик содир этилганига роса уч ой тўлди. Нью-Йорк ва Вашингтондаги террорчилик туфайли минглаб бегуноҳ одамлар қурбон бўлди. Улар орасида икки нафар ўзбекистонлик ҳам бор эди.

АҚШ Президенти Жорж Буш таклифига биноан 11 декабрь қурбонлар хотирасини ёд этиш куни сифатида нишонланди. Шу куни Оқ уй, Пентагон, Нью-Йорк шаҳри ва Пенсильваниядаги самолёт кулаган майдонда, шунингдек, дунёнинг турли мамлакатларида бир пайтда АҚШ маҳфияси янгради.

Тошкентда ҳам, «Интерконтинентал» меҳмонхонасида 11 сентябрь қурбонларини ёд этишга бағишланган маросимда маҳаллий вақт билан соат 18.45 да АҚШ ҳамда Ўзбекистон маҳфиялари янгради. 11 сентябрь куни айнан шу пайтда Нью-Йоркдаги Жаҳон савдо марказида террорчилик содир этилган эди.

Маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири У.Султонов ҳамда АҚШнинг Ўзбекистондаги Факултетада ва мухтор элчиси Ж.Херберт 11 сентябрь фожиаси ва унинг қурбонлари ҳеч қачон унутилмаслиги, бу ёвузликни амалга оширган жиноятчилар қўлга олиниб, албатта жазога тортилаётганини таъкидлади.

■ (ЎзА)

СПОРТ

АЛПОМИШ АВЛОДЛАРИ



Грециянинг Патри шаҳрида юнон-рум кураши бўйича 46-жаҳон чемпионати якунилади. Мазкур нуфузли мусобақада дунёнинг қўллаб-қувватлаётган таниқли спортчилар қўлидан учин баҳс олиб боришди. Чемпионатда иштирок этган етти нафар ҳамюртимиз мураббий Комаил Фаткуллин бошчилигида юртимиз шайини муносиб ҳимоя қилишди. Мусобақаларнинг иккинчи кунинда терма жамоамиз аъзоси Дилшод Орипов 58 кг. вазнда барча рақибларини доғда қолдириб, жаҳон чемпионати деган юксак номга сазовор бўлди. Шунингдек,

125 кг. вазнда Шермуҳаммад Қўзиев ҳам маҳорат ва услуб қўллаш бобида ўрнатилган жой олди. Гарчи қолган вакиллариимиз рақибларга имкониятни бой бериб, мусобақаларини тарк этган бўлса-да, бироқ қўлга киритилган натижалар фахрланишга арийди. Юртимизда спортнинг ушбу тури бўйича юлдузлар тайёрланаётганига ҳали кўп бўлмагач, эришилган муваффақиятлар юнон-рум кураши бўйича юртимизда аллақачон миқоаб яратилган, дейишга асос бўлади.

■ Матназар ЭЛМУРОДОВ

Суратда: Юнон-рум кураши бўйича жаҳон чемпиони Дилшод Орипов онаси билан.

■ Анвар Илёсов («Жаҳон» АА) олган сурат

ХРОНИКА

ТЕРРОРЧИНИНГ СЎНГГИ МАНЗИЛИ

Саккиз кун давом этган муттасил бомбардировкалардан сўнг Тора-Борала жон сақлаётган жангарилар қуролларини топиришга қарор қилишган, дея хабар берди Би-Би-Си. Бу ҳақда Бирлашган фронт командирлари ахборот беришган. Командир Ҳожи Зуман бераётган маълумотга кўра, жангарилар қоршаб кун қуролларини топиришлари зарур эди. Бирлашган фронтнинг яна бир командири Моҳаммад Амин эса жангарилар ўз позицияларини ташлаб кетишганини айтди. Бомбардировка чоғида топирилган қуролларни кучларидан айрилганлиги тахмин қилинмоқда.

АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари 7,5 тонна келадиган энг кучли BLU-82 яросиз бомбани қўллаган. Бу бомба таъсирида қурбонларни аниқлаш қийин, ҳатто «Ал-Қаида» етакчилари мазкур бомба таъсирида ҳалок бўлгани мумкинлиги ҳам тахмин қилинмоқда. BLU-82 тушган нуқтасидан 600 метр атрофда бирон тиррик жон қолдирмайди. АҚШ вице-адмирал Жон Стоффл-Бим қўлидаги ишчи беради: «Биз буни «Ал-Қаида» гуруҳининг қўллаб-қувватлаётган Тора-Борала яширинганлигига ишонганимиз умунгина амалда қўллади».

Қидирилаётган асосий террорчи Усама бин Ладин эса Бирлашган фронт вакиллари билан фикрича, аллақачон Тора-Борани тарк этган ва ҳозир жанубга, Покистон — Афғонистон чегараси томон ҳаракатланмоқда. Хусусан, командир Моҳаммад Амин айни

пайтда «Ал-Қаида» жангарилари билан жанглар Тора-Бораладан жанубга Спин-Фор тоғларида бўлаётганини айтди. Шунингдек, Моҳаммад Амин Спин-Форни бин Ладиннинг сўнгги қароргоҳи деб атайди. Ҳозир террорчининг қўл остида мингга яқин жангарилар борлиги тахмин қилинмоқда. АҚШ ушбу тоғларнинг қўлидан эса чекнаётган топирилган қуролларни йиғиш ва йўқ қилиш билан шуғулланишмоқда. АҚШ офицери Стюарт Алтон «тез орада қуролларни ихтиёр топирилган топирилганнинг овоз бўлишига рухсат берамиз. «Ал-Қаида» гуруҳи аъзолари билан шуғулланишмоқда, мабодо зарарли бирор ҳаракат мўлжаллашгудек бўлишса, биз ундан 12 йил олдинги хатосини такрорлашмаслиги лозим. Ушундан АҚШ ҳарбийлари афғонларга совиқ иттифоқ тасаруфидан халос бўлишга кўмак берган ва шундан сўнг мамлакатдан чиқиб кетганди. «Мамлакатда инқироз айнан АҚШ ҳарбийлари чиқиб кетганлиги учун ҳам содир бўлган. Шундан ўқиб, яна бу хато такрорланмаслиги керак» дея баёнот берган Бош вазир.

Шунингдек, «Вашингтон пост» Қарийнинг АҚШ Президенти Жорж Бушга миннатдорчилик мактуби йўлаганини ҳам келтириб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚАРОРИ

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИНИНГ ПАЙАРИҚ ТУМАНИ БИЛАН ЧЕЛАК ТУМАНИНИ, ПАСТДАРҒОМ ТУМАНИ БИЛАН ГЎЗАЛКЕНТ ТУМАНИНИ БИРЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Самарқанд вилоятининг Пайариқ ва Челақ, Пастдарғом ва Гўзалкент туманларининг иқтисодий салоҳияти ва ижтимоий инфратузилмасидан, меҳнат ва моддий ресурсларидан янада самарали ва оқилона фойдаланиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини бараварлаштириш мақсадида, мазкур туманларда яшовчи аҳолининг фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олиб, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг тегишли тақлифини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

1. Самарқанд вилояти таркибида: Пайариқ ва Челақ туманлари негизда умумий майдони 1,29 минг квадрат километрга тенг бўлган Пайариқ тумани; Пастдарғом ва Гўзалкент туманлари негизда умумий майдони 0,87 минг квадрат километрга тенг бўлган Пастдарғом тумани тузилсин.
2. Пайариқ тумани таркибига Пайариқ туманидаги Пайариқ шаҳри, Гулистон, Қўқдала, Қўлтўсин, Саноат, Чоштепа, Қорасув аҳоли пунктлари ҳамда Челақ туманидаги Челақ шаҳри, Бирлашкан, Ойтамғали, Оққўрғон, Чопорашли, Уртасайдов аҳоли пунктлари;
3. Самарқанд вилояти таркибига Пастдарғом туманидаги Жума шаҳри, Арабхона, Болоташ, Димишқиболо, Намуна, Санчикул, Сарибаш, Торариқ, Турон, Ҳамзаобод аҳоли пунктлари, Чарчин шаҳарчаси ҳамда Гўзалкент туманидаги Анҳор, Бешқаҳрамон, Гўзалкент, Чимбой аҳоли пунктлари ўтказилсин.
4. Самарқанд вилояти Пайариқ ва Пастдарғом туманларининг чегаралари график чизмаларига мувофиқ тасдиқлансин.
5. Пайариқ туманининг маркази деб Пайариқ шаҳри, Пастдарғом туманининг маркази деб Жума шаҳри белгилансин.
6. Тугатилган Челақ тумани ҳудудида жойлашган сайлов округлари бўйича сайланган халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари халқ депутатлари Пайариқ тумани Кенгаши депутатлари эканлиги, тугатилган Гўзалкент тумани ҳудудида жойлашган сайлов округлари бўйича сайланган халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари эса халқ депутатлари Пастдарғом тумани Кенгаши депутатлари эканлиги белгилаб қўйилсин.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Самарқанд вилоятининг Пайариқ ва Пастдарғом туманлари ҳокимият ижроия органларини тузиш ва уларнинг фаолият кўрсатишига доир масалаларни кўриб чиқсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э.ХАЛИЛОВ Тошкент шаҳри, 2001 йил 7 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИНИНГ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

1. Ишметов Аминжон Жабборович Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари этиб сайлансин.
2. Имомов Р., Исоқов Х.И., Соатов О.А., Холмуратов Д.Е. бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э.ХАЛИЛОВ Тошкент шаҳри, 2001 йил 7 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING 2002 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган, уни муҳокама қилиш мобайнида Олий Мажлис депутатлари билдирган тақлиф ва мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда маромига етказилган Ўзбекистон Республикасининг 2002 йилги Давлат бюджетни лойиҳасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йилги Давлат бюджетни тақчиллигининг энг юқори даражаси (давлат мақсадида жамғармалари бунга кирмайди) ялли ички маҳсулот ҳажмига нисбатан 2,0 фоиз миқдорда белгиланган ҳолда мақкуллансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: валюта бозорини ва ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш шароитида Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлаш дастурини, иқтисодий ўсишни, тузилмавий ўзгаришларни рағбатлантиришга ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган инвестиция дастурини, мамлакатимиз мудофаа қобилияти ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга оширишни таъминласин;
3. Давлат бюджетни тақчиллигини қоплаш учун давлат мол-мулкни хусусийлаштиришдан, давлат хазина мажбуриятларини жойлаштиришдан тушадиган даромадлар ва бошқа инфляцияга таъсир этмайдиган манбалар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки кредитлари жалб қилинишини назарда тутсин.
4. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бюджетга тўловлар тўлиқ тузилишини, харажатлар маҳаллий бюджетлардан ўз вақтида молиялаштирилишини ва давлат маблағларидан белгиланган мақсадда фойдаланиш устидан жиддий назорат қилинишини таъминласин.
5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки: 2002 йил 1 январь холатига кўра Давлат бюджетни тақчиллигини молиялаштиришга бериладиган Марказий банк кредитларини Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг ички қарзи ҳисобига киритсин;
6. Молия вазирлигига 2002 йилда Давлат бюджетни тақчиллигини молиялаштириш учун ялли ички маҳсулот ҳажмига нисбатан 0,5 фоиз миқдорда кредитлар ажратсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э.ХАЛИЛОВ Тошкент шаҳри, 2001 йил 6 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚАРОРИ

АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ҚАТЛАМЛАРИНИ АНИҚ ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАРЗДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ 2002-2003 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

1. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастури маъқуллансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари: аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилинишини таъминлашга йўлланаётган бюджет маблағларидан улар аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига йўналтирилганлигини кучайтиришни назарда тутган ҳолда фойдаланиш самарадорлигини ошириш;
3. аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилишга йўлланаётган маблағларнинг тақсимлашини учун масъул бўлган фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг молиявий негизини мустаҳкамлаш; давлат ижтимоий мададини олувчилар қаторини бир йўла ана шундай ёрдамга муҳтожликни белгилашнинг қўшимча мезонларини жорий этган ҳолда кенгайтириш;
4. кам таъминланган оилаларнинг меҳнатга қобил ялли аъзолари иқтисодий фаоллигини ошириш учун қулай шарт-шароит яратиш ҳамда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга йўлланаётган кредит ресурсларининг ҳажмларини кўпайтириш ҳисобига аҳолининг анчагина қисмини кам таъминланганлар тоифасидан чиқариш;
5. ёшларни таълим жараёнига фаол жалб қилиш, янги типдаги ўқув юр்தларининг (академик лицейлар, касб-ҳунар коллежларининг) нуфузини ошириш, кам таъминланган оилаларга мансуб ўқув-қўлланмаларни тарқатиш, шунингдек, аҳолининг қўлланмаларини тарқатиш, қишлоқ жойларда таълим жараёнининг сифат даражасини ошириш;
6. пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш ва кучайтириш;
7. давлат маблағларидан белгиланган мақсадда фойдаланиш устидан жиддий назоратни таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўрсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э.ХАЛИЛОВ Тошкент шаҳри, 2001 йил 6 декабрь.

Конституция ҳар бир давлатнинг ҳуқуқий асосидир, унга мувофиқ ҳокимият ва бутун давлат механизми фаолият кўрсатади. Конституция фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайди, ҳимоя қилади, ижтимоий тараққиётнинг асосий йўналишларини, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий ривожланиш жиҳатларини белгилаб беради.

Ёзилган ва ёзилмаган консти-



МОҲИЯТ

туциялар мавжуд. Ёзилган конституция — бу ягона асосий қонун бўлиб, ҳақиқат ва давлат тузумининг энг муҳим институтларини белгилаб беради. Ёзилмаган конституция — бу бир қатор қонунлар, конституциявий меъёрлар ва урф-одатларнинг йиғиндисидан иборатдир.

Нима сабабдан Ўзбекистон Республикасининг янги конституциясини қабул қилиш зарур бўлиб қолди деган, савол туғилиши табиийдир.

Собиқ СССР таркибидан чиққан суверен давлатлар ҳалқаро ҳуқуқнинг субъектига айландилар, бунинг конституция билан мустақамлаш зарур эди. Ўз мустақиллигини эълон қилган давлатлар, жумладан, Ўзбекистон мустақиллигининг асослари тўғрисида қонунлар қабул қилди, бу қонунлар вақтинчалик бўлиб, Конституция қабул қилиниши зарур ва шарт эди. Тузумнинг сиёсий ва ҳуқуқий ўзгариши рўй берди.

Янги қонунчилик ҳокимияти Президентлик институти ва давлатнинг бошқа институтларини қонунилаштириш янги Конституция билан боғлиқ эди.

Янги Конституция Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш учун керак эди. Мулкнинг турли шаклларига муносабатларини ўзгартирмастан, иқтисодий ва сиёсий муносабатларни демократлаштирмастан бозор иқтисодига ўтиб бўлмади. Конституция тузилаётган партияларнинг, жамоат бириктирилган юридик манфаатларини муҳофаза қилиши, фуқароларнинг демократик жараёнларда иштирок этишларига тенг ҳуқуқий имконият яратиш бериши, инсон ҳуқуқлари ҳалқаро ҳуқуқий ҳужжатларига, БМТ ҳужжатларига асосланиши керак эди.

Шу сабабларга кўра ҳам

янги Конституция қабул қилиниши давр талаби эди.

Биринчи марта, янги конституция ҳокимиятининг олий қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти функциялари тақсимланишини мустақамлади. Конституцияда айбсизлик презумпцияси, яшашга бўлган ҳуқуқ эълон қилинди. Унга кўра, ҳеч қим қийноқ-азобларга дучор қилинмаслиги, ҳеч қим ўзининг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибаларга тортилмаслиги белгилаб қўйилди. Республикада ҳудудда эркин кўчиб юриш, эркин кириш ва эркин чиқиш қилиш ҳуқуқи қилинмаслиги, ҳеч қим ўзининг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибаларга тортилмаслиги белгилаб қўйилди. Республикада ҳудудда эркин кўчиб юриш, эркин кириш ва эркин чиқиш қилиш ҳуқуқи қилинмаслиги, ҳеч қим ўзининг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибаларга тортилмаслиги белгилаб қўйилди.

Янги Конституцияда ўзбек халқининг тарихий, миллий қадриятлари, урф-одатлари, анъаналари, ахлоқи ва маданиятининг бошқа жиҳатлари ҳисобга олинди.

Конституциявий моҳияти унинг принциплари орқали намоён бўлиб боради. Давлат суверенитетлиги — биринчи конституциявий принцип бўлса, халқ ҳокимиятичилиги — иккинчи конституциявий принципдир. Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир.

Ҳокимиятлар функцияларининг тақсимланиши — учинчи конституциявий принципдир. Уч ҳокимиятдан ҳар бири ўз фаолиятида мустақил бўлиб, фақат қонунга бўйсунди. Қонунчилик ҳокимияти — Олий Мажлис, ижро этувчи ҳокимият — Президент ва унинг раҳбарлигини Вазирлар Маҳкамаси ҳамда суд ҳокимияти — Конституциявий суд, Олий суд, Олий ҳужжат суди, Қораллогистон Республикаси олий суди, Тошкент шаҳар, вилоятлар судлари, вилоятлар ҳужжат судлари, шаҳар(ту-

ман) судларидан иборатлиги белгилаб қўйилди.

Тўртинчи конституциявий принцип — бу демократизмдир. Инсон ҳаёти, эркинлиги, ор-номуси, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлар, яъни лўнда қилиб айтганда, инсон қадриятлари энг олий қадрият эканлиги қонуний йўл билан белгилаб қўйилди. Давлат халқ иродасини ифодалаб, унинг манфаатлари учун хизмат қилиши кўрсатилди.

Конституция ва қонунларнинг устуворлиги бешинчи конституциявий принцип қилиб белгиланди. Конституция ва қонунларнинг устувор эканлиги аниқ белгиланди.

Олтинчи конституциявий принцип — халқаро андозалар даражасидаги фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, мажбуриятларнинг тенглиги ва дахлсизлиги принциплари.

Еттинчи конституциявий принцип — бу қонунчилик принциплари бўлиб, давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бириктирилган фуқаролар конституцияга мувофиқ иш кўришлари, Сиёсий партиялар ва жамоат бириктирилган фуқароларнинг фаолиятларини қонунга асосланиб амалга оширишлари тўғрисидаги талаб — бу сиёсий конституциявий талабдир.

Саққизинчи конституциявий принцип — ташқи сиёсат принциплари. Махаллий ўзини ўзи бошқариш — тўққизинчи конституциявий принцип ҳисобланади.

Учинчи конституциявий принцип суд тузилиши, одил судловни амалга оширишга тааллуқли бўлиб, бу судьяларнинг мустақиллиги ва дахлсизлиги принциплари. Судья фақат қонунга бўйсунди. У депутатликка сайлана олмайди, сиёсий партиялар ва ҳаракатларга аъзо бўла олмайди, суд мажлиси очик, ошқора олиб борилди, тергов босқичида ҳамда судда адвокат иштироки таъминланди. Суднинг ҳужжатлари бarchа давлат органлари, жамоат бириктирилган фуқаролар учун мажбурийдир.

Юқорида айтилганлардан шундай хулосага келиш мумкинки, Конституция бу табарук ва муқаддас Ўзбекистон заминидан яшовчи халқимизнинг мустақам таъминоти ва асосланган Бош қонундир.

■ Абдусалом ҲАҚОВ, Қарши давлат университети биринчи проректори; Исмаилло ХУДОЙБЕРДИЕВ, политология кафедраси мудири.

ХАТЛАР ХАТЛАР ХАТЛАР

ЎҒРИЛАР ТОПИЛМАДИ

Ассалому алайкум, таҳририят жамоаси!

Ўтган 2000 йилнинг 6 октябрыда шифохонадан чиқиб, уйимнинг эшигини очишим билан ичкаридаги ҳолатни кўриб ҳайрон бўлиб қолдим. Уйимдаги магнитофон, музлаттичнинг мотори, шакар, нахта ёғи ва бошқа маҳсулотларни қимдир ўғирлаб кетган эди.

Ўзим иккинчи гуруҳ ногирони бўлиб, бир нафар ўғилни отасиз ўстираётган бўлсам, энди нима қиламан, дея ўғилларни лаънатладим. Шу кунгёқ ички ишлар бўлимига хабар қилдим. Ўғрилк ҳолатини Бахтиёр Саидумаров уч ой ўрганди. Ачинарлиси, ҳеч қандай натижа бўлмади. Шундан кейин 2000 йил 5 декабрда вилоят прокуратурасига ариза ёздим. Бу ёрдам С.Йўлбарсов деган киши келди. У ўғрилк юзасидан маълум вақт ичда натижа бўлмади деб айтди. Бу иш билан терговчи Баҳром Ёқубов шуғулланди, лекин натижа йўқ. Андижон шаҳар прокуратурасига илтимос билан бордим. Уринбосар А.Мамажоновга мурожаат қилдим. Ишни катта терговчи Зафар Валиева беришди. Зафар Валиев ҳам учрашганимда беш-ўн кун ичда ишнинг ҳал қилиш берман деб ваъда бериб, уч ой овера қилди. Қанчадан-қанча асабузарлик, бориб-келиш учун йўлқира сарфладим.

Уйимда юз берган ўғрилкка ҳам бир йилдан ошди. Лекин на ички ишлар ходимлари, на прокуратура терговчилари жиноятни очинга эришилди. Энди мен нима қилай? Қимдан ёрдам кутай?

■ Чаманой АҚРАМОВА, Андижон шаҳри

ҒАЗЕТАДА БОСИЛМАДИ, АММО...

ЧОРА КЎРИЛДИ

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Жиззах вилояти, Мирзачўл тумани, Раҳимов кўчаси, 24-уй, 2-хонадонда истиқомат қилувчи Б.Бобоевнинг Мирзачўл туман марказий шифохонасида содир бўлган оналар ўламини ҳисоботдан яшириш ҳолати юз бераётганлиги тўғрисидаги аризаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2001 йил 2 октябрыдаги 775-сонли фармойиши билан ишчи гуруҳи тузилиб, далолатлар жойида ўрганиб чиқилди.

Текшириш жараёнида аризада кўрсатилган далолатлар деярли тасдиқланди, яъни ҳақиқатдан ҳам Мирзачўл туман марказий шифохонасида 2000 йил июль ойида содир бўлган она ўлми ҳисоботга қиртилмаганлиги аниқланди.

Ушбу ҳолатлар юзасидан камчиликларга йўл қўйган тиббиёт ходимларига нисбатан Жиззах вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг 2001 йил 9 ноябрь 186-сонли буйруғи билан бош врач вазифасини бажариб турган П.Казеновга ҳайфсан эълон қилиниб ва камчиликларни бартараф қилиш тадбирлари белгиланди.

■ Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги Даволаш-профилактика ёрдами бош бошқармаси бошлиғи муовини Р. МҮМИНОВ

Абдулла Орипов, Ўзбекистон Кахрамони

ШЕЪР ВА ШУҒУР

ЙИРОҚ ЕВРОПАГА ҚИЛИБ САЁҲАТ

/ЖЕНЕВА ДАФТАРИДАН/

СЎЗ

Сўз асли пайғамбар, У боис балки Оламзот таниган ўз Худойини. Эриган темир томчиси каби Уртаб юборар у теккан жойини.

ОТА ВА БОЛА

Ота дер: — Алдама сен мени, болам, Бари қилмишингни сезиб юраман. Агар қуйилмасанг мендан кейин ҳам, Билиб қўй, гўримда тикка тураман.

Бола дер: — Отажон, мени биласиз, Бирга давру даврон сура беринг-да. Ўша қора гўрда нима қиласиз, Мана, уйда тикка тураберинг-да.

ҚҰМИҚ БИЛАН СУҲБАТ

Йироқ Европада қилиб саёҳат, Битта қўмиқ билан бўлдим ҳамсуҳбат. У деди мен кичик қўмиқ эрурман, Балки олам аро мен йўқ эрурман.

Асло қизиқмасан сиёсат билан, Бу юртда юрибман тижорат билан.

Гўзал Европада асло йўқ тараф, Лекин бир сўз айтгум уларга қараб.

Ямоқни ямоққа улайди улар, Таниш-билишчилик... билмайди булар.

САЙЁҲЛАР

Балки сайёҳларга туюлар шундоқ: Нафас олиш осон бу манзилларда. Бир зум яйрар инсон бу манзилларда, Ташвишлардан узоқ, ғамлардан узоқ.

Балки сайёҳларга туюлар шундоқ: Ҳориндек бу ернинг одамлари ҳам. Улар ҳам қайгадир кетсам дер ҳардам, Ташвишлардан узоқ, ғамлардан узоқ.

СЕВИШГАНЛАР

Ҳибонда кезар икки ёш ҳабаш, Йигит пачоқ бурун, лаблари дўрдоқ. Ёнида нозланар маъшуқа-маҳваш, Оёқлари қийишқ, тишлари сўйлоқ. Дунёда хунукни изласанг агар Булардан ортигин топмогинг гумон. Йигит севилисин қучиб авайлар, Қиз ҳам ошиғига боқар нигорон.



Ушбу манзарага боқдим-у, гўё Бирдан қулаб тушди аршидан азал. Қани у лайиваш, сарвиноз барно, Қани у эр йигит, етук, мукамал. Демиллар, нисбийдир ҳар қандайин ҳол, Ҳар ким ўз севиғиси учун суригай. Анов икковлонга, балки, эҳтимол, Қолганлар беўхшов бўлиб кўрингай.

ЖОНИБЕК (набирамга)

Шу яқин кунларда дунёга келган Набирам бор менинг, Жонибек деган. Унга совға излаб, кезиб ҳар ёқни Ола кетай дедим битта тойчоқни.

Женева қўлининг буйида яшнаб, Онаси билан у турарди кишнаб.

— Юр, тойчоқ, мен билан, Тошкентга кетдик, Ўртоғинг бор сенинг, исми Жонибек.

Тойчоқ иргилларди, кетдик, дер эди, Бир чопсак Тошкентга етдик дер эди.

Онаси-чи, боқар гўё ҳоли танг, — Меҳмоним, бекорга хомтама бўлмаг.

Дунёда энг хушнуд, бой чоғимдир бу! Бу тойчоқ ўзимнинг тойчоғимдир бу!

Яхшиси мен сизга берай маслаҳат, Эшитинг, у сизга ёққайдир албат.

Митти Жонибекка биздан эҳтиром, Тойчоқ деб атангиз уни. Вассалом!

ХДП ҲАЁТИ

Давр тақозоси билан ортиндаги йўл эсдан чиқиб боради. Кунларимиз осуда бўлиб қолган ва шундай бўлиб қолгандай. Аслида ўтган кунларни бир бор эсга олиб, сарҳисоб айлаб, келажакка боғлаб яшамок барчамиз учун бирдек фазилат бўлиши керак. Ўтмишдаги фалокатлар, урушлар, қулфатлар келажакда такрорланмаслиги учун ҳам шундай бўлиши даркор. Аксинча эса

жонзотнинг яна бир бор устидан голиб чиқди. Мана энди худди шу иллат башарий фалокатлар сабабчиси... Кувончлар ҳол шундаки, «ҳечдан кўра кеч» бўлса-да, инсоният терроризмга қарши оёққа турди. Тинчлик ис-таган инсон кўнглига ёруғлик ингандай бўлди. Бирламлик, бирлашиш устун келишига ишонади тинчликпарвар миллатлар.

Ўзбекистон Халқ демократ-

шундан 12 таси қишлоқ врачлик пунктларидир. Уларда 255 нафар шифокор ва 1750 нафар ўрта тиббиёт ходимлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Тиббиётнинг ислоҳ қилиниши натижасида туманда аҳолининг тиббий хизматига бўлган эҳтиёжини қондириш учун бир қанча қулайлик ва имкониятлар яратилди. Жумладан, 30 ўринли шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш

лок жойларда аҳолига намуна- тиббий хизмат кўрсатиш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилмоқда.

Суратларда:

1. Болалар шифокори (чап-да) Ҳалима Турғунова.
2. Туман марказий шифохонаси бош врач Кенжабой Пайламов (ортада) тиббиёт ходимлари билан.
3. Андархон қишлоғидаги янги қишлоқ врачлик пункти.

МУБОРАК ҲАЖ САФАРИ

Ҳаммамиз ҳам Оллоҳнинг қўлимиз. Зеро, мўмин-мусулмон боласи борки, унинг қўнгида ҳаммаша эзгулик ботинидир. Бу ҳам бўлса хурлик, рўшнолик ва ниҳоят ҳаж сафари. Бундай му-таносибликнинг бирин-бирини рўёбга чиқармай туриб орзуни зоҳиран амалга ошириш мушкул. Шу жиҳатдан қараганда хурлик — мустақилликнинг аҳамияти бениҳоя. Қуни кеча Бош қомусимиз — Конституция кунига бағишланган тантананда Юртбошимиз келаси йили «Ка-рияларни қадрлаш» йили деб

ДУОГҲЙ ОТАХОНЛАР ЭЪТИРОФИ

эълон қилиш билан минглаб ну-роний отахон ва онахонларнинг кўнгилини шод этдилар. Энди эса муборак ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрса-тиш ҳақидаги республика Вази-рлар Маҳкамасининг қарори билан танишиб турибмиз. Ҳар ик-кала кувончи хабарда ҳам ўзи-га хос муштараклик бор. Гап шундаки, қариялари қадрлаш билан ҳаж сафари кесаларимиз кўнгилини шод этиш, орзу-ларини рўёбга чиқариш билан боғлиқлиги таҳсинга лойиқдир.

Айтишадик, кўнгили оллоҳ-нинг назаргоҳи экан. Ҳаж са-фариди Мақкаи муқаррама, Ма-динаи мунавварага бориш билан отахону онахонларимиз ўзларининг кўнгили мулкларини бойитадилар, нурга тўлдирадил-лар, руҳан Оллоҳга яқин экан-ликларини эслатадилар. Демак, ҳаж сафари Оллоҳнинг ақали-гю унинг Расулини тан олиш билан ўзига хос сурат амали бажарилиб, кўнгили сийратини обод қилган бўламиз. Ҳаж са-фари билан боғлиқ қарорда эса эзгулик сафарига овланаётган-ларга имтиёзлар яратилганини диққатга сазовор. Хусусан, яхши ниятда жамғарилган сармомони имтиёзли равишда долпарга ал-маштириб бериш, воситачилик йиғинларидан овоз қилиш каби тадбирларни юртимизда инсон-га нисбатан меҳр-шафқат ва са-ховат намунаси деб қараса бўлади.

■ Фахриддин МУҲАММАДИЕВ, Ўзбекистон мусул-монлари идораси масъул ходими

ТИНЧЛИК ИСТАГАН ЭЛ


бизни бепарволик, ишимиз- да масъулиятсизлик, келажак авлод олдиди қарзимиз эътиборсизлик домида қола-веради. Ҳар бир ўзини ан-глаган, шуғурига давр ҳодиса-лари сингилган инсон ён-ат-рофидагиларни ҳам огоҳлик-ка чақириб туриши шу кун-нинг талабидир.

Халқаро терроризм баша-рият душманига айланди. Бутун эмас, балки олдидан айланиб улгурган эди. Лекин кеч англанди. Бирлашиш, бир ёқдан бош чиқариш, тинчликпарвар мамлакатлар-нинг яқдилликда ҳаракат қилиши кераклиги каби гоёлар «пичок бориб суякка тақалгач» ҳаракатга тушди. Ўз мамлақати, керак бўлса лунё халқлари олдиди қўлан-калар, фожиалар пайдо бўлаётганини сезган, каж-рафтор қай йўсинда айланаёт-ганини илганган инсонлар халқларни сергакликка, огоҳ-ликка давбат этди. Катта-катта минбарлардан туриб боғт урди. Ривожланган дав-латлар раҳбарлари фикрини терроризм, экстремизм, фун-даментализм каби балоларга қаратишга уринди. Аммо бе-парволик ҳисси инсон деган

тик партияси Тошкент ша-ҳар кенгашида бўлиб ўтган семинарда худди ана шу фикрлар илгари сурилди.

Дунёвий давлат сари бо-раётган Ўзбекистон давлати, унинг халқи келажакда буюк юрт барпо этиш иштиёқида ҳаракат қилмоқда. Ўтмиши буюк бўлган келажакда буюк бўлишига ишонади. Бу фа-қатгина «Элим деб, юртим деб, ёниб яшайдиган», ой-динликни, омонликни, тинч-ликни истаган халқларгагина хос бўлган фазилатдир.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жа-ми-ят қурилиши академияси де-кани, тарих фанлари номзо-ди Абдужаббор Абдувоҳидов «Диний экстремизм ва унга қарши таъсир чоралари тўғрисида» маъруза қилди. Журналистлар, партия фаол-лари, қорхона ва ташкилот ходимлари, талабалар ишти-рок этган ушбу семинарни ЎзХДП Тошкент шаҳар ке-нгаши биринчи котиби Латиф Фуломов бошқарди.



■ Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар

МАМЛАКАТЛАР, ОДАМЛАР, УРФ-ОДАТЛАР



Яқинда шоир ва журналист Муҳаммад Исмоил Индонезия сафарига бўлиб қайтди. Журналист сафари ҳамisha оммавийликка йўналтирилгани билан бошқалардан ажралиб туради десак, янглишмаймиз. Қолаверса, Муҳаммад Исмоил мустақил Ўзбекистондан Индонезияга ташриф буюрган биринчи журналистдир. Хуллас, унинг Индонезия ҳақидаги таассуротлари билан ўқувчиларни таништиришни лозим топдик.

уйғониш даврини бошидан кечириётганда бутун дунёга ҳукмронлик қилиш дардида чалинганди. Лекин, улар Фақат бойлик, олтин, хомашэ, ёки шунчаки саргузашт излаб сафарга отланишганда десак, янглишмаймиз. Айтилик, Христофор Колумб ўтакетган диндор эди. У, христиан динини оламга ёйиш учун сафарга отланганди. Дин — уларга жуда катта куч-қудрат бағишлаганди. Марко Поло ҳам шундай. Албатта, динни ёйишдан кейинги масала, бу Осиё этакларида чўзилиб ётган беқийс бойликларга эга бўлиш эди. Индонезия 350 йил, то 1945 йил ўз мустақиллигини эълон қилганига қадар Голландия мустамлакаси остида яшади.

1492 йил испаниялик Колумб Американи кашф этганида, португаллар Бразилияга асос солишди. Шунда, бу икки қудратли давлат ўртасида низо келиб чиқа бошлади. Аммо улар бир-бирига беқийс сарфун харажатларга тўла ҳарбий уруш эълон қилиш ўрнига, Рим папасига, муросага келтирувчи битим сўраб мурожаат қилишди. Рим папасининг қарори билан 1494 йил Канн суди ҳукми бўйича бутун ғарб ва унга яқин ўлкалар Испанияга, шарқий, яъни Африка ва унга яқин дивёрлар Португалияга бўлиб берилди. Боя айтганимиздай, дин бутун Европанинг бошини бирлаштириб турарди.

— Голландия мустамлакасининг Индонезияга таъсири қандай бўлган?

Европа ўзининг

— Индонезия маданияти, фалсафаси, урф-одатлари, санъати миқёси ўн та Европага тенглашади. Тўғри, тараққиёт мезони бугунги кунда Европадай деб ҳисобланмоқда, бироқ бу нисбий тушунча ва қайси тарафдан қарашга боғлиқ. Шунинг ҳам унутмаслик лозимки, кекса йил бўлган донини Шанъ қон томирларига ёш ва ғайратли, куч-қувватли қон оқими кириб келди. Ва талайгина ўзгаришлар қилди. Умуман олганда, тараққиёт деган нарса худди бутуллар галасидек Ер шарни атрофда тинимсиз айланиб юради. Фақат, бутуллар тезроқ айланади, мафункор тараққиётнинг кўчиб юриши учун эса асплар керак.

— Мамлакатдаги маданий ёдгорликлар борасида нима дейсиз?

— Езма ёдгорликларнинг асосийси Рамаёна, Маҳобҳорат. Бундан ташқари амалий ёдгорликлари шу қадар кўпки, баъзи ороларнинг ҳар бирида 20

мингга яқин эҳромлар бор. Бу аҳолининг 91 фоизи мусулмонлардан иборат ўлка маданияти. Шу ўринда, 8300 кв.метр катталиқдаги Баробудур эҳроми ҳақида гапириб ўтмоқчиман. Бу эҳром тошдан қурилган пирамидадир. Уни айланиб, эҳром сиртига, Будданинг бутун тарихи, фалсафаси, сўзлари тошларни ўйиб акс эттирилган, нақшда чиқилганга гувоҳ бўласиз. Эҳромнинг энг тепасига чиқишингиз учун

жирканишади. Бировни ҳайвон деб ҳақоратлаш унга ўлим тилаш билан баробар. Уларнинг этиқодича, ахлоқи бузуқ одамларнинг арвоҳи ҳайвонларга кўчиб ўтган, бу ҳайвонлар Ер юзиде дўзах азобини кўриб юрибди, энди фақат ҳақоратга, ёйинки, қурбонликка ярайди, холос.

— Бундай дунёқарашлар Индонезия санъатида ҳам ўз ифодасини топгандир?

— Албатта, масалан ле-

МУҲИМ ҚИСМИГА ЎХШАЙДИ...

Бадавлат одам ўлганида, хотини, хизматкорларини кўшиб қўмишни, яқин-яқинда голландлар тақиллашди. Лекин, ер силкиниши тошбақаларнинг касофати туфайли бўлапти, деб ишонувчи баъзи элатлар, оммавий тарзда йилига 30 мингга яқин тошбақани ўлдиришди. Бу тошбақаларнинг ҳар бирининг катталиги юз килограммдан кам эмас. Бугунги кунда тадбиркор ошпазлар «ёвузлик тимсоли» бўлган бундай тошбақалардан мазали таомлар пиширишади. «Маҳобҳорат»даги маймунлар саркардаси Хонмурон ҳақи

йўл қўйишмайди. Индонезияликлар, одамнинг руҳи бошида бўлади, дейишади. Шунинг учун бошга тегиш руҳни безовта қилиш билан баробар ҳисобланади. Айниқса, болани бошини асраб-авайлаш ҳақида қаттиқ ғамхўрлик қилишади.

Хуллас, Индонезия сирсиноатга, эртақ ва ривоятга, афсона ва ақидаларга лиммо-лим ўлка. Айтганларим, мен қўриб ақлимга сифдирилганларим, холос. Ақлимга симаганларим қанча.

— Иқтисодий ёл билан қизиқингизми?

— Газ, нефть, енгил саиноат, ўрмон хўжалиги соҳасида дунёда ўз мавқеига эга. Албатта, бу соҳани иқтисодчилар шарҳлашгани маъқул. Битта мисол келтираман: Индонезия Японияга ёғоч экспорт қилади. Япония бу ёғочлардан қоғоз ва Хитой учун қошиқ ўрнида ишлашадиган жуфтлик чўпча ишлаб чиқаради. Хитойликлар ҳар овқатланганда янги чўпча ишлатишади. Миллиард хитойлик учун, ҳар кун уч жуфтдан чўпча бу — бир кунда олти миллиард чўпча керак дегандир. Шунингдек, ўрмон хўжалиги яқин ривожланган. Пальма, кокос, банан, бамбук ... одамзот мафунтун бўлмай оложи қолмайдиган чангалзорлар...

Яна ҳар бир орол ўзига хос бир олам. Айтишларича, баъзи ороларда матриарх — аёллар ҳукмронлиги даври давом этмоқда. Баъзи ороларда, одамларнинг ор-номуси шу қадар кучли эканки, айтишларича, биз борган оролардан бирида, кечани эр-хотин кўчада уришиб қолиб, эр хотиннинг қўйлагини йиртиб юборибди. Бу шармандаликка чидай олманган аёл, шу заҳоти ҳаманинг кўз

унгида, кокос дарахтининг тепасига чиқиб, боши билан ўзини ерга ташлабди.

Дунёнинг энг чекка, одами кам баъзи ороларда кўчадан ўтиб борар экансиз, африкаликни ҳам, бразилияликни ҳам, европалликни ҳам, хиндунни ҳам, австралияликни ҳам, японни ҳам кўрасиз. Шу пайтнинг ўзида қулонгингиз остида черков кўнгираклар, азон айтган сўфининг соҳир овози, жарангдор рокинролл садолари аштирилиб туради. Бу ер дунёнинг овлоқдаги бир чеккаси, ё қоқ марказини деб ёқа ашлайсиз... Минг йил аввалги яшаш тарзи, урф-одатлар, анъаналар, ақидалар, ўтмишининг бусбутун шакли орасида беҳосдан отилиб чиққандай пайдо бўлиб қолган, бугунги кун шакли шамойиллари, замонавий урф-одатлар, шошқалоқ ҳаёт... барча-барчаси бир-бири билан қоришиб, сизни ўз оҳанграбосига қорлайди. Минг йиллик нақадар яқин ўтмиш эканлигини ҳис қиласиз.

Индонезиянинг бугунги кундаги давлат шиори ҳам шундай ҳаёт тарзига уйғун келади: «Ранг-баранг бўлиб, бирлиқда яшаш».

— Хуллас, сафар хулосаси қандай бўлди?

— 1 млн 913 минг кв.км.га чўзилган бу ўзига хос ўлканинг кимга маъқул, кимга номаъқул тарафлари ҳам талайгина. Лекин, бир биродар юрт фарзанди сифатида, бу мамлакат фуқароларига ўз байроқлари шарафини халқаро миқёсда янада баландроқ кўтаришларини, спорт соҳасида, кино соҳасида, илму фан соҳасида энг юқори чўққиларга чиқишларини, юксак галабаларга эришишларини истардим.

■ Сўзбатдош: Малик МАНСУР

БУ ЎЛКАНИНГ ТЎРТ ФАСЛИ ҲАМ — ЁЗ

беш километр йўл босишингиз керак. Бу пирамидадаги тошлар бир-бирига шундай қиритилганки, биронта устун, биронта қаркас, ёйинки, тошларни бир-бирига ёпиштирувчи цемент ишлатилмаган.

— Будданинг таъсири хали ҳам кучлими?

— Ер юзининг биронта жойида Будданинг хайкали бу ердан қайда кўп эмас. Одамларнинг табиати кизик. Минг йил аввалги хунармандлик ишлари билан замонамизнинг энг сўнги ишлаб чиқариш ўнқуқлари ёнма-ён тураверади.

Масалан, Бали деган оролда ҳайвонлардан

гонг деган рақс тури бор экан. Легоннинг маъноси — аланганинг живаланишидир. — Дарҳақиқат, жуда ажойиб ном.

Хуллас, қизлар уч ёшга тўлганда шу рақсга тушишни оруз қилишаркан. Улар саккиз ёшга тўлганда саҳнага чиқишга рухсат этиларкан. Ёшга тўлганда шу рақсга тушишни оруз қилишаркан.

Индонезиялик оналар чақалоқларини то улар икки оёқда юриб кетмагуналарига қадар, ерга туширишмайди. Агар болани юргунга қадар ерга қўйишса, у эмлаб, «тўрт оёқлаб» юриши ва бу ҳолат маҳлуқлар юришига ўхшаб кетганлиги учун болага ҳайвон руҳи кўчиб ўтиши мумкин, дея ишонишади ва болани ҳеч қачон эмлаб юришга

— Таассуротларингизга қўра, халқ ривоятлари хозир ҳам Индонезияликлар турмушининг

ЕВРОПА ИТТИФОКИ ТИНЧЛИККА ЧАҚИРАДИ

Европа Иттифоқи давлатлари Яқин Шарқ можароси тобора кескинлашиб бораётганидан ташвиш билдириб, Фаластин маъмуриятидан «Ҳамас» ва «Ислом жиҳоди» террорчилик ташкилотларини бутунлай йўқ қилишни талаб қилди. Шунингдек, ЕИ Исроилни Фаластин ерларини ўққа тутишни тўхта-тиш ва мухторият ҳудудидан ҳарбийларни олиб чиқиб кетишга даъват қилди.

ХИНД ПОЛИЦИЯЧИЛАРИ ЁРДАМГА КЕЛИШАДИ

Ҳиндистон Афғонистондаги янги ҳукуматга ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идоралар. жумладан, полиция кучларини шақлантиришда ёрдам берадиган бўлди. Муваққат ҳукумат ички ишлар вазири Юнус Қонуний Деҳлида ҳиндистонлик ҳамкасби Лал Кришна Адаани билан учрашиб, шундай келишувга эришди. Келишувга қўра, яқин кунларда Кобулга Ҳиндистон полициясининг махсус офицерлар гуруҳи жўнатилади.



КИДИРИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Жаҳон савдо маркази биналари вайроналаридан яна 20 кишининг жасади топилди. Улар орасидаги беш нафар ўт ўчирувчи ва иккита полициячининг исм-шарифи аниқланди. Колган жасадларни аниқлаш ишлари давом этмоқда.

ХИТОЙ МАҚСАДИГА ЕТДИ

Нихоят узок давом этган сайё-харакатлардан сўнг Хитой Жаҳон савдо ташкилотига (ЖСТ) расман аъзо қилинди. Хитой ЖСТнинг барча талаб ва мажбуриятларини беками-куст бажаришга ҳаракат қилади ва тез орада ташкилотда ўзининг муносиб ўрнини топади, деди мамлакат ташки савдо ва иқтисодий ҳамкорлик вазирилик вакили.

ИНТЕРНЕТ ҚУЛОЧ ЁЙМОҚДА

АҚШнинг «Нилсен НетРейтинг» фирмаси маълумотига қараганда, дунё бўйича Интернет тармоғидан фойдаланувчилар сони жорий йилнинг учинчи чорагида 15 миллион кишига кўпайган. Жами, фойдаланувчилар сони эса 474 миллион кишига етган. 2005 йилга бориб бу кўрсаткич бир миллиардга етиши кутилмоқда.

ЎҚИТУВЧИЛАР НОРОЗИ

Францияда ўқитувчилар норозилик намойишига чиқди. Бошланғич синф ва коллежлар, умумий таълим ва техник лицейларнинг ўқитувчилари ҳукуматдан ҳафталик иш соатини камайтириш, маошларни ошириш ва айрим мактабларда мурабийлар сонини кўпайтиришни талаб қилмоқда.


ЯНА БИР ТЕРРОРЧИ КЎЛГА ОЛИНДИ

Кенияда «Ал-Қаида» ташкилоти ва халқаро террорчи Усама бин Лудин билан яқин алоқада бўлган Аҳмад Салим Седан ҳибсга олинди. У АҚШнинг Кениядаги элчихонасини портлатганликда айбланиб, бир неча йилдан буён қидирувда эди. Маълумки, 1998 йилнинг августиде содир бўлган мазкур қўпоровчилик оқибатида икки юз киши қурбон бўлганди.

МУҲОКАМАДА САЙЁХЛИК МАСАЛАЛАРИ

Венесуэлада Қариб ҳавзаси мамлакатлари уюшмасига аъзо давлатлар раҳбарларининг саммити давомида ўзининг муносиб ўрнини топади, деди мамлакат президенти иштирок этишмоқда. Муҳокамага минтақа давлатлари ўртасида савдо-сотиқ, айниқса, сайёхлик алоқаларини ривожлантириш билан боғлиқ масалалар қўйилган.

Қариб ҳавзаси давлатлари сайёхлик бўйича дунёда етакчи ўринда туради. Ўтган йили ушбу минтақада сайёхликдан кўрилган даромад 20 миллиард АҚШ долларини ташкил этган.



...МУЎЖИЗАЛАРИ



МУЗ...

Advertisement for 'ТУФИН' (TUFIN) chocolates. It features images of various chocolate boxes and candies. Text includes: 'ТУФИН - ҲАМИША ДАСТУРҲОНИМИЗ КЎРКИ', 'Энг катта турфа навлар. Юксак сифат, мақбул нархлар.', 'Янги йил совғалари Байрамона тўпламлар', 'Т.: (998-71) 191-36-48, 191-23-30. (Факс) (998-71) 191-05-52. 700076, Тошкент шаҳар, Ҳамама тумани, Боку кўчаси, 179 А'.

Advertisement for 'PUДРАТ САВДОЛАРИ (ТЕНДЕР)ЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ «ҚАШҚАДАРЁГАЗТАЪМИНОТ» ШЎЪБА КОРХОНАСИ БУЎРТАМЧИЛИГИДА'. It includes details about gas tendering and a table of tender results.

№	Ишнинг номи	Ишга туширилган қувват (кВт)	Ишга тушириш муддати
1	Дехқонбод тумани марказини газлаштириш	2	Апрель-Июнь
2	Чироқчи тумани Зарбдор ҳужалигига элтувчи газ тармоғи (ер усткн)	2	Июль-Сентябрь
3	Шаҳрисабз тумани Бобоев ҳужалигига элтувчи газ тармоғи (ер усткн)	2	Апрель-Июнь
4	Китоб тумани Навоий ҳужалигига элтувчи газ-тармоғи (ер усткн)	1	Апрель-Июнь
5	Яккабоб тумани Ўзбекистон ҳужалигига элтувчи газ тармоғи (ер усткн)	2	Апрель-Июнь

Пудратчи ташкилотлар кўйидаги талабларга мос тушиши шарт: Молиявий барқарор, касбий тажрибага эга, техник томондан таъминланган ва қулай шартларга эга бўлиши керак. Бир комплект тендер ҳужжатлари нархи — 20000 сўм. Савдо ташкилотчиси: Республика тендер бошқармасининг Қашқадарё вилояти филиали. Манзил: Қарши шаҳри, Хонобод шоссеси, 5-уй. «Нефтасаноатқурилиш» трести биноси, 4-қават. Тел/факс: 8 (37522) 4-46-37.

«ОБУНА — 2002»

«ГУЛХАН» ДОИМИЙ ИЗЛАНИШДА



Интилишларимиз асосига айланиб бораётган миллий истиқлол ғоясини ёш авлод онгига синдиришда болалар нашрларининг ўрни муҳим. Бундай нашрлар ўсиб келаётган авлоднинг мурғак шурида ғоявий бўлиш пайдо бўлишининг олдини олган ҳолда уларда эзгу тушунчаларни шакллантиради.

Бу борада ёшларимизнинг севимли нашри ҳисобланмиш «Гулхан» журнали жамоаси амалга ошираётган ишлар эътиборга молик.

Истиқлол йилларида журнал янгича мазмун-моҳият билан бойида. Унинг саҳифаларини болаларда миллий кадриятларга ҳурмат туйғусини уйғотишда, мушакил Ўзбекистон эришган ютуқларини шарофлантиришда мақолалар, очерклар, ёш қаламкашларнинг шеър ва ҳикоялари тўлиқдир.

Журнал жамоаси «Дарсликка кирган миялилар» руҳи остида ёш ўқувчини таниқил шоир-ёзувчилар ижоди билан таништириб бормоқда. Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Азим Суён каби халқимизнинг севимли шоирлари ижоди ҳақидаги мақолалар журналга алоҳида мазмун берган.

«Муштақиллик болалари» руҳида чоп этилган замонавийнинг ёш қаҳрамонлари ҳақида ҳикоя қилувчи «Бувисидан дуо олган қиз», «Оқланган ишонч», «Кўшиқда юрт мадҳи» каби мақолалар журнал аъёнларини давом эттирди.

Таҳририят «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда «Ўзбекистон Қаҳрамонлари»ни (сурат ва маълумот билан бирга) чоп этган. Бу ёш ўқувчини фаолликка ундабгина қолмай уларда фахр-ифтихор туйғусини уйғотилади. Муштақиллик даврининг зафарли одимлари «Ватан келажиги ишончли қўлларда», «Ерғу қўнлар шукри», «Ўзбекистоннинг оламшумул ўнги галабаси», «Ўзбекистон Миржалоли» каби мақолаларда ҳам ўз аксини топган.

«Кичкина кўнглининг катта ташвишлари» руҳидаги мактублар журналони болалар ўқувчиси, орау-интилишлари билан таништиради. Шунингдек, «Соғлом авлод — соғлом ижод» руҳидаги ёш қаламкашларнинг шеър ва ҳикоялари завқ билан ўқилади.

Ғоявий курашлар авж олган бугунги кунда «Гулхан» журнали ёшларни соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялашда яқин кўмакчи.

Шухрат ОРИФ, «Ўзбекистон овози» муҳбири

Олимда одамийлик этишмаслиги, шахсиятининг илмий даражага кўтарилолмастлиги унинг ўзи учун ҳам, атрофидагилар учун ҳам бахтсизликдир. Чунки майда шахсият ўзидан, ўз нафсу ҳавосидан нарини кўролмайд.

Таниқил адабиётшунос олим, филология фанлари доктори, академик Салоҳиддин Мамажоновни яқинлари, ҳамкасблари, шогирдлари сўзи билан амали, тили билан дили, кўнгли билан ақли бир бўлган инсон сифатида эътироф этилади.

«5-САҲИФА»

Саксоничи йилларда Богот туманида Жусабеков деган киши прокурор бўлиб ишлаган. У ҳақда «ўз касбининг билимдонини», деб эслашади. Аммо ҳолқ орасида прокурордан бир латиға мерос бўлиб қолган.

ПРОКУРОРДАН ҚОЛГАН ЛАТИҒА

Прокурор Жусабеков илғига тушган ҳўжалик даладорини бир кўздан кечиришга воқт топади, холос. Бу ёқда асосий ишлари тиқилиб ётганда-да. Кеңқурун бюроси йиғилишида вакиллар ҳўжаликларда учратган камчилик-хатоларни бирин-кетин «ур калтак-сур калтак» қила бошлайдилар. Нихоят ахборот бериш навбати вакил прокурорга келади.

Прокурор ўз касби билан андармон бўлгани учун пахтачиликдан беҳабар экан. Ахир, пахталарнинг гулшо мавсумида ҳам қизил, ҳам оқ гул кўрсатишини у қовдан билсин...

Бюро аъзолари прокурорнинг «ахборот»ига қулоқ соларканлар, унга эътироз қилишга журъат этолмайдилар, аммо шундан кейин прокурордан алоҳида ахборот сўрамайдиган бўлишди.

Рўзимбой ҲАСАН

«Санъаткор бировга бир нарсга ўргатмоғи учун ўзи бирон нарсани билиши шарт эмас, санъаткор билан шоир ғайришуррий тарзда ўргатади», — дейди ўз «Иқронома»сида Лев Толстой. Адабиётшунос олим ана шу ғайришуррий фаолит замиридаги асосни топиши, ижодкор айни ўриндаги таъбе ҳу тимеолни неға айнан шу йўнида ишлатганлигини тушунириб бериши ёки ҳодиса замиридаги қонуниятини кашф этиши керак бўлади.

САЛОҲИДДИН ДОМЛАНИНГ САЛОҲИЯТИ

бўлди. Кейинчалик шу даргоҳда кичик илмий ходимликдан бўлим мудирлигидан ражасигача ҳақдан илмий йўни босиб ўтди. 1968 йилда «Ғафур Ғулум мадҳорати» мавзусида ёқлаган докторлик диссертацияси XX асрининг йирик адаби ижоди теран таҳлил қилиб берилганлиги билан илм аҳлининг оғизга тушди.

Салоҳиддин домла — ғоят сермаҳсул олим. Унинг ўттизга яқин каттакичик китоблари, уч юздан ортиқ илмий мақодалари янги ўзбек адабиёти ҳамда адабий алоқаларнинг энг муҳим масалаларини ёритишга бағишланган. Олимнинг «Шоир ва замонавийлик» (1963), «Ўйғу» (1965), «Ғафур Ғулум» (1966), «Шеърят баҳсида» (1970), «Усдуб жилolari» (1972), «Шоир дунёси» (1974), «Ғайратий» (1974), «Лирика ва инсон» (1978), «Ишонч ва бурч» (1982) сингари қатор китобларида XX аср ўзбек адабиётининг тараққиёт тамойилларини кўрсатиб беришга ҳаракат қилди. Кейинги йилларда Салоҳиддин жодий имкониятининг яна бир қирраси очилди.

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

лом прозаси» (1966), «Шеърят баҳсида» (1970), «Усдуб жилolari» (1972), «Шоир дунёси» (1974), «Ғайратий» (1974), «Лирика ва инсон» (1978), «Ишонч ва бурч» (1982) сингари қатор китобларида XX аср ўзбек адабиётининг тараққиёт тамойилларини кўрсатиб беришга ҳаракат қилди. Кейинги йилларда Салоҳиддин жодий имкониятининг яна бир қирраси очилди. Унинг охириги йилларда миллий интеллектуал савиямизнинг мезонига айлиниб бораётган «Тафаккур» журналида улкан санъаткор Ҳалима Носированин ҳаёт йўли ва ижодий қиёфаси ҳақидаги «Булбул дилин ўртаган қайғу» бадисаи ҳос ҳодиса бўлди. Аксарият бадисауйлар фактларни титкилаб юришганда С.Мамажонов буюк санъаткорнинг кўнгли мавжларини текширишга уринганлиги билан бу жанрда ўзига ҳос саҳифа очди.

Салоҳиддин Мамажоновнинг умр йўлида ибрат олса арзийдиган жиҳатлар анчгина. Унинг устозла-

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ

ЎТ БАЛОСИДАН АСРАСИН

Олов — тилсиз ёв. У йиллаб пешона тери эвазига йиланган бойликларни санокли дақиқалар ичда йўққа чиқариши сир эмас. Ёнғин асосан лоқайдлик оқибатида содир бўлмоқда. Хавфсизлик қондаларига амал қилмаслик болаларни қаровсиз қолдириш каби сабаблар уни келтириб чиқаради. Хусусан, Миробод туманида йил буйи 125 та ёнғин содир бўлган бўлса, шундан 12 таси болалар шўхлиги билан боғлиқдир.

7 август кунин Файзобод 7 тор кўчаси, 33-уйда боланин олов уйнаши оқибатида 95 квадрат метр майдонда ёнғин содир бўлиб, 2 та уйнинг том қисми ёниб, 90000 сўм миқдорда уй эгаси моддий зарар кўрди. Нафрат пешона тери билан топилган бойликларимиз уй-рўзгор буюмларимиз, балки азиз фарзандимизни ҳам ўт ичда қолишини унутмайлик.

15 декабрга қадар республикамиз миқёсида «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» давом этади. Бу фақат ёнғин назорати ходимларининг иши бўлибгина қолмай, балки барча вазирилик, концерн, маҳкама ва ташкилотлар, кенг жамоатчиликнинг вазирасига айланиши лозим.

Шу йилнинг 20 ноябрь кунигача Миробод туманида 124 та ёнғин содир бўлган ва 1 240 647 сўмлик моддий зарар етказилган. Буларнинг 76 таси хонадонларда бўлиб, 980 000 сўм моддий зарар кўрилган. Соғуқ тушиб, иситиш мавсуми бошланди. Бу даврда уйлар, корхона ва ташкилотларда иситиш воситаларидан, газ ва печка ускуналаридан нотўғри фойдаланиш ҳолларининг учраши табиий. Хусусан, газ ва иситиш мосламаларидан ноўғай фойдаланиш оқибатида туманда 18 та ёнғин бўлган.

Фарғона йўли кўчаси 119-уй 36-хонадон эгаси Л.Ешкова электр иситиш мосламасидан бетартиб фойдаланган ва ёнғин чиқиб, тан жароҳати олган. Янги йил байрами ҳам янгалашмоқда. Бозору тижорат дуконларида «Пиротехника» воситалари сотилиши бошланди. Ваҳоланки Тошкент шаҳар ҳокимининг фармоиши билан «Пиротехника» воситалари билан савдо қилиш тақиқланган.

Ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя қилиш ноҳушликни олдини олади давлат ва шахсий мол-мулкнингиз, ўзингиз ва атрофингиздагилар ҳаётини асрашга имкон беради. Ёнғинни учиритишда кўра унинг олдини олиш осонроқ, бунин эздан чиқармайлик!

Дамир НИЁЗОВ, ички хизмат лейтенанти, 3-ҲЁХО инспектори

BOSH MUHARRIR

- Azim SUYUN
TAHRIIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbob SHAKAROV
Alimqul SULTONOV
Andrey ORLOV
Baxtiyor HAKIMOVA
Rahima HAKIMOVA
Tolepbbergen QAIPIBERGENOV
Farmon OMONOV
Mahkamboy OMAR ogli

MUASSIS:



BOLIMLAR:

- Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56
Axborot — 136-55-16
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80, 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqq boshlagan.

VILOYATI MUXBIRLARI:

- Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gullistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 36-53-16
Urganchda — 226-51-35
Fargonada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KOCHASI, 32-UY.
Navbatchi Akbar JONUZOQOV
Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalangan.
Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etiladi.
Korxonaning manzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 0004-raqam bilan royxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini kichirib boshish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
G — 3102

Topshirish vaqti 21.00.
Topshirildi 20.30
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA

КУЛГИ — УМР ЗИЙНАТИ

Фермернинг хотини ҳовлиқиб эрига шикоят қила бошлади:
— Дадаси, бунча танбалсиз, жила курс томорқамизни қоровуллаб ётсангиз бўлмайдингизми?
— Нима, ўрни тушибдимки?
— Э, ўғримас, сизгир тушибди. Қаранг, кунин кегаги можародан кейин яна кўшимизнинг тўртта гавамиши томорқамиздаги қарамни пайхон қилиб, еб ётибди-ку, нима қилиш керак?
— Ия, сакин! Шоқин солма. Қани, челақларга тез сояиб ол.

Солиқ инспектори декларацияни вақтида тўзмаган фуқародан сўради:
— Нега вақтида солиқ тўламадингиз?
— Ойлик маошим солиққа етмайпти.
— Айтинг-чи, бунда арзимас маош билан қандай қилиб ҳашаматли уй-ҳў курдингиз?
— Биласизми, бир кунин балиқ овига борсам қармоғимга тилла балуқ илина бўлодими?! Ундан 2 та қаср қуриб беришини сўрадим.
— Қўйинг сафсатами, мени шу чўпчанка ишонди, деб ўйлап-сизми?
— Ишонмайсизми? Кетдик, донгиллама дала ҳовлимни кўрсатаман.

Эр ишдан қайтди. Эшик олдида хотини одатдагидай ўқлоғ ўқалиб турарди.
— Яна бошладимми? Нега кал бошингда лаб бўғининг юқи?
— Э, бу лаб бўғини эмас қонку, ҳозир машинадан тушиб йўлакка кирсам, безорилар орақдан келиб бошимга туширишди.
— Қара, бахтинг бор экан...

БИР ОЁҚДА

Шри Ланка мамлақати фуқароси Аруланатам Суреш Жоаким 1997 йилнинг 22 майдан 25 майгача Маха Деву Пару (Уйхара шаҳрида) бир оёқда 76 соат 40 дақиқа туриб, жаҳон рекордини урнатиб Гиннсининг «Рекордлар китоби»га кирган эди.

ХАРАКАТСИЗ ЎТИРИШ

1994 йил 12 апрелда Ҳиндустоннинг Паннош-Спорт-Хостел шаҳрида фуқаро Раднекумар Чакраборти ҳеч нарсага суюнмай, қимирламасдан 11 соат 5 дақиқа ўтириб ўзига ҳос жаҳон рекордини урнатган.

ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ...

ЎТИРИБ-ТУРИШ УСТАСИ

1997 йил 18 апрель кунин Пентиктон (Канада)нинг юқори синф талабаси Перри Хайатм баландлиги 38,1 см бўлган махсус креслода 60 дақиқада 3.967 марта ўтириб-туриб (дам олмай) жаҳон рекордини урнатган ва Гиннсининг «Рекордлар китоби»дан ўрин олган.

ҚАРСАКЛАР, ҚАРСАКЛАР...

1991 йилнинг 12 февралдан 15 февралгача Ҳиндустон мамлақати фуқароси В.Джеярман икки кафтида тўхтамай — 58 соат 9 дақиқа қарсақ чадаб, жаҳон рекордини урнатган.

Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ тайёрлади

ARLOVIT ОЗИШ ВА ҚАДДИ-ҚОМАТНИ ЯХШИЛАШ УЧУН ТАБИЙ ОЗИҚ-ОВҚАТ ҚўШИМЧАСИ
NEW ARLOVIT — ҲАЁТ МАНБАИ!
БУНГА ҚўРБИНИГИЗ ЕТАДИ
ОРТИҚЧА ВАЗНДАН ҚУТИЛИНГ, ҲАЁТ ҚУВОНЧИ ВА ЎЗИНГИЗГА ИШОНЧНИ ҲИС ЭТИНГ
БИРТАЛИҚДА ОЗАЙЛИК!
Ишлаб чиқарувчи — «GRACE INTERNATIONAL LIMITED» қўшма корхонаси
Телефон: (998-71) 199-56-43

«БОҒДОН МАТЛУБОТСАВДО» ШўҒБА КОРХОНАСИ
Шуни маълум қиладики, Бухоро шаҳрида жойлашган ПМК сотилади.
Майдони — 3,8 га, ичда — мөҳмонхона, ишлоб чиқариш цехлари, амборхоналар, новвойхона, темир йўли бор.
Сотиладиган баҳоси — 40,0 млн.сўм. Пул ўтказиши йўли билан.
Мурожаат учун телефонлар: 48-39-67, 48-38-48
Факс: 48-28-41

Ташки меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан Қибрай туманидаги «Табаррук Нуруний» унитар корхонасига берилган № 078 ТВ рақамли меҳнат фаолияти ҳуқуқи тасдиқномаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Зангиота тумани ҳокимлиги маъмур туман собиқ раҳбари Раҳматалли Камбарович КАМБАРОВНИНГ вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изхор этади.

ФМТ-1 «Ўзбекистон почтаси» Давлат-Акционерлик компанияси
АБОНЕНТЛИК Газета 220
ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
2002 йил учун (ойлар бўйича)
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)
Кимга (Фамилияси, исми ва отасининг исми)

ФМТ-1 Наҳрга етказиш варақаси 220
ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
Обунани янги манзилга юбориш Баҳоси сўм
2002 йил учун (ойлар бўйича)
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)
Кимга